

Худайбердиев А.А.

Жиззах политехника институти,

“Умумтехника фанлари” кафедраси доценти, т.ф.н.,

ТУРОН ФА академиги.

ЎЗБЕКИСТОНДА “ПАХТА- КЛАСТЕРИ” НИНГ КЕЛАЖАКДАГИ ВАРИАНТЛАРИ.

Аннотация: Ўзбекистонда пахта-тўқимачилик кластери, бу — ягона технологик занжирга бирлаштирилган корхоналар мажмуи. Ушбу янги тузилма инновацион иқтисодиётга ўтишнинг муҳим босқичи ҳисобланади. Сабаби бу ерда хом ашё қайта ишлашнинг барча босқичидан ўтиб, экспортбоп тайёр маҳсулотга айланади. Шу сабабли бугунги кунда кластерлар ривожланишининг ҳозирги босқичида хомашёни чуқур қайта ишлашга асосий эътибор қаратилаяпти. Бундан асосий мақсад — кўпроқ фойда олиш, қишлоқ хўжалиги ходимлари ва саноат вакилларининг моддий манфаатдорлигини оширишдир.

Калит сўзлар: экспорт, устувор йўналиш, кластер, инжинеринг, консалтинг, стандартлаштириш, сертификатлаштириш, мини контейнерчалар, инновацион иқтисодиёт.

Khudaiberdiev A.A.

Jizzakh Polytechnic Institute,

Associate Professor of the Department of "General Engineering

Sciences", Ph.D.

Academician of TURON FA.

FUTURE OPTIONS OF "COTTON-CLUSTER" IN UZBEKISTAN

Abstract: In the Uzbekistan cotton-textile cluster is a set of enterprises united in a single technological chain. This new structure is an important step in the transition to an innovation economy. The reason is that here the raw


materials go through all stages of processing and become export ready products. Therefore, today, at the current stage of development of clusters, the main attention is paid to deep processing of raw materials. The main purpose of this is to get more profit, to increase the material interest of agricultural workers and industry representatives.

Key words: export, priority direction, cluster, engineering, consulting, standardization, certification, mini containers, innovative economy.

Маълумки, қишлоқ хужалиги республикамиз иктисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланиб, сўнги йилларда Республика ҳукумати томонидан қишлоқ хужалигида бозор муносабатларини шакллантиришни такомиллаштириб бориш асосида ушбу соҳа самарадорлигини ошириб боришга қаратилган чуқур ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2019 йилда "Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хужалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мулжалланган стратегияси» қабул қилинди. Унда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни такомиллаштириш, сувдан фойдаланиш самарадорлигини юксалтириш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигининг экспорт салоҳиятини ошириш ва қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш, қишлоқ хўжалигида ахборот технологияларини кенг жорий қилиш ҳамда тармоқ статистикасини тўлиқ рақамлаштириш орқали маълумотлар ҳаққонийлигини таъминлаш, кадрлар масаласини ҳал этиш, илм-фанни ривожлантиришга хизмат қилувчи етти та устувор йўналиш белгилаб берилди. Шу сабабли Республикамиз Президенти томонидан муҳим вазифалардан бири сифатида интеграциялашувнинг кичик даражаси бўлган янги хўжалик юритиш тизими сифатида

“Кластер”лар шакллантириш белгиланди. Кластерларни шакллантиришдан мақсад – шаҳар, туман ва вилоят ичида жойлашган бир хил соҳа кохоналарини ва улар билан ягона технологик занжирда бўлган таълим, илмий, инжинеринг, консалтинг, стандартлаштириш, сертификатлаштириш, ва бошқа хизматларни уйғунлаштириш - инновацион ишлаб чиқаришни ташкил этиш асосида рақобатбардош товарлар яратишга йўналтиришдан иборатдир. Бунда аҳолини иш билан таъминлашдек муҳим жиҳат ҳам ўзини намоён этади.


Шуни таъкидлаш керакки, вақт ўтиши билан аҳоли сонининг ортиб бориши ва саноат корхоналарининг кўпайиши экин майдонларининг камайишига олиб келмоқда. Бу вазиятдан чиқиш учун ҳар бир экин майдонидан унумли фойдаланиш талаб этилади. Биз таклиф этаётган вариант бу муаммони бир мунча енгиллаштиради деб ўйлаймиз.



Расм – 1. Кластер схемаси (умумий кўриниши).

1 – унумдор тупроқ тайёрланган омбор, 2 – уруғлар ўндириладиган омбор, 3 – ҳосил етиштириладиган кўп қаватли майдончалар жойлашган бино, 4 – пахта ғарами(бунт), 5 – мини пахта тозалаш заводи, 6 – ип йигирув цехи, 7 – мато ишлаб- чиқариш цехи, 8 – тайёр маҳсулот ишлаб-чиқариш цехи, 9 – чигит омбори, 10 – уруғлик чигитлари омбори, 11 – ёғ ишлаб- чиқариш цехи, 12 – буёқ ишлаб -чиқариш цехи, 13 – ғўзапоя омбори, 14 – ғўзапояни

қайта ишлаш цехи, 15 – тайёр маҳсулот омбори, 16 – бошқарув пулти биноси.



Расм – 2. Кластер схемаси (ҳосил етиштириш қисми).

17 – мини контейнерда етиштирилаётган пахта кўчати, 18 – транспортер, 19 – ёруғлик тарқатиш тизими, 20 – робот, 21 – қуёш панеллари.

Ушбу кластер тизим қўйидагича ишлаши лозим: Аввал ташқаридан кераклича тупроқ олиб келиниб, кимёвий ва маҳаллий ўғитлар билан аралаштирилиб унумдор тупроққа айлантирилиб омборга (1) ғамланади. Мини контейнерчалар (размерлари ғўза илдизи ривожланиш параметрларига мос бўлиши лозим, тахминан диаметри 200 мм ва баландлиги 300 мм цилиндрик идиш) тупроқ билан тўлдирилиб ҳар бирига 3 та дан қобикланган уруғ солиниб, уруғлар ўсдириладиган омборга (2) тахланади. У ерда бутанация давригача яъни кўчат 4-5 барг чиқаргунча парваришланади. Бу омбор деворлари шишадан бўлиб кўчатлар томчилаб сўғорилади, сутка мобайнида электр лампочка нурлари (19) билан таъминланади, бу чигитнинг ўниб чиқиши ва ўсишини тезлаштиради. Тайёр бўлган мини контейнерлардаги пахта кўчатлари (17) транспортер (18) ёрдамида зкин майдонининг (3) буйи ва эни бўйича бир хил масофада жойлаштирилиб чиқилади (бизнинг таклифимиз 200 x 200 мм).

Экин майдонлар бир неча қаватли бўлгани мақсадга мувофиқдир. Ҳосил етиштириладиган бино (3) композицион материаллардан тайёрланиши, атрофлари шишадан қопланган бўлиши, томчилаб сўғориш системаси

билан таъминланган бўлиши, сутка мобайнида электр ёруғлиги билан таъминланган бўлиши, электроэнергия қуёш панелларидан (21) олинадиган бўлиши қилинадиган харажатнинг тезроқ қопланишининг асосий омилдир. Томчилаб экиш жараёнида сувга керакли химикатлар қўшилиб туради. Ғўзани парвариш қилиш, чеканка, ҳосилни йиғиштириш, ғўзапояни майдалаш ишларини робот (20) бажаради. Ҳар бир қават ва керакли жараён амалга ошириладиган жойларга видеокамералар ўрнатилади. Амалга оширилиши керак бўлган жараёнлар бошқарув пулти (16) орқали бажарилади. Ўсимлик керак бўлган оптимал температура билан таъминланиб туради. Керакли пайтда ғўзалар орасига тоза ҳаводан шамоллар берилади, ғўза барглари махсус эритма билан ювилиб турилади. Ҳосил йиғиб бўлингач транспортер тескарига йурғзилади, контейнерчалардаги тупроқлар унумдор тупроқ тайёрлаш омборига тўкилади, у ерда бу тупроқлар унумдор тупроққа айлантирилади ва кейинги циклга тайёрлаб қўйилади. Териб олинган пахта аввал ғарамга (4) га йиғилади, сўнгра керакли пайтда технологик жараён бўйича пата тозалаш заводга (5), у ердан ип йигирув цехига (6), иплар эса мато ишлаб чиқариш цехига (7), матодан эса тайёр маҳсулот ишлабчиқарилади (8) ва экспортга ёки маҳаллий бозорга жўнатилади. Пахтадан ажратиб олинган чигит омбор (9) га йиғилиб сараланганидан қобикланган чигит тайёрланиб уруғлик омборида сақланади, қолган қисми эса ўсимлик ёғи (11) , буёк ишлаб чиқариш (12) ёки чорвачилик учун ишлатилади. Робот майдалаган ғўзапоялар аввал омборга 13) йиғилади, сўнгра қайта-ишлаш цехида (14) қурилиш материаллари ишлаб чиқилиб омборда (15) йиғилиб сотувга чиқарилади.

Таклиф қилинаётган технология билан бир йилда камида 3 марта ҳосил олиш мумкин, чунки бизда процесс бутанация жараёни тугаган кундан бошланади, бу оддий пахтачиликда 10-15 кун дегани. Бундан ташқари

оддий ҳолатда ғўза новдаси ва барглари бир суткада қуёш нури таъсирида 14-16 соат бўлади, бизнинг вариантда улар 24 соат керакли нурлар остида бўлишади. Бу икки омил вегитатив жвраённинг 90-100 кундан ошмаслигини таъминлайди.

Келинг ҳосилдорликни ҳисоблайлик; экин майдони (3) -1 га (100 х 100) м, экинлар орасидаги масофа 0,2 м, кўчатлар сони $500 \times 500 = 250000$ та, бир контейнерчадан олинадиган ҳосил 15 гр, 1га даги ҳосил 250000×15 гр = 3750 кг, 3 марта олинган ҳосил $3750 \text{ кг} \times 3 = 11250 \text{ кг}$, 5 этажли майдон бўлса $11250 \times 5 = 33750 \text{ кг} = 337,5$ центнер/га.

Натижада иқтисодий самарадорликни ошириш учун кўп қаватли ҳосил етиштирадиган майдончали бинолар сонини кўпайтириш мақсадга мувофиқдир. Этажлар баландлиги 2 м дан ошмаса ҳам бўлади. Бу кластер битта худудда жойлашуви ҳисобга олинган. Бу усулда сув сарфи минимал бўлади, чунки сув контейнерчаларга етказилади, у ерда эса фақатгина ўша контейнерчадаги ғўза илдизи учун сарфланади.

Хулоса қилиб айтганда пахта-тўқимачилик кластери, бу — ягона технологик занжирга бирлаштирилган корхоналар мажмуи. Ушбу янги тузилма инновацион иқтисодиётга ўтишнинг муҳим босқичи ҳисобланади. Сабаби бу ерда хом ашё қайта ишлашнинг барча босқичидан ўтиб, экспортбоп тайёр маҳсулотга айланади. Малумки, бир килограмм пахта толаси сотилса, унинг нархи 1,5 доллар бўлади. Ишлаб чиқарувчи ундан тайёрланган ипни сотса, унинг нархи 2,5-3 долларга этади. Ипнинг матога айланиши билан харажат 5-7 долларгача қўшилади. Сўнгра бу матодан тайёр кийим тикишда фойдаланилса, 15-20 доллар қўшимча қиймат пайдо бўлади. Шу сабабли бугунги кунда кластерлар ривожланишининг ҳозирги босқичида хомашёни чуқур қайта ишлашга асосий эътибор қаратилаяпти. Бундан асосий мақсад — кўпроқ фойда олиш, қишлоқ хўжалиги ходимлари ва саноат вакилларининг моддий манфаатдорлигини

оширишдир. Ўз моҳиятига кўра, миллий иқтисодиётимиз учун янги бўлган, саноатнинг илғор тури кластер схемасини яратиш ва жорий этиш асосида “пахта хомашёсини етиштириш – қайта ишлаш – тайёр маҳсулот” шаклидаги ёпиқ занжирдан иборат, юз фоиз чиқитсиз ишлаб чиқариш объектини ташкил этиш кўзда тутилган.

Адабиётлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 январдаги «Пахтатуқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шакллари жорий этиш чора-тадбирлари туғрисида»ги 53-сонли қарори. www.lex.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 17 апрель 2019 йил ПФ-5708 сонли Фармони «Қишлоқ хўжалиги соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида». www.lex.uz

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш туғрисида”ги ПФ5853-сонли фармони. www.lex.uz

4. Жўраев Т.Т. ва Ҳамидов М.Э. Ўзбекистонда агросаноат кластерларининг ривожланиши ва уларнинг қишлоқ хўжалиги тараққиётида тутган ўрни. // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий-электрон журнали. 2-сон, апрель, 2019 йил.

5. Худайбердиев А.А. Контейнерный способ уборки и транспортировки хлопка-сырца XXV Международная научно-практическая конференция. 15.12.2019 Москва 170-173

6. Худайбердиев А.А. Қишлоқ хўжалик техникаларини такомиллаштириш иқтисодий асослари. Научное знание современности. Международный журнал. Выпуск №1 Казан 2020 13-15

7. Худайбердиев А.А. Уруғларни экишга тайёрлашнинг бугунги кундаги аҳволи. Жиззах политехника институти. Халқаро миқёсидаги илмий-техник анжуман материаллари “Ишлаб чиқаришнинг техник муҳандислик ва технологик муаммолари инновацион ечимлари”. 2021 й.29-30 октябрь 2-қисм 873-876